

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН АЙРИМ
ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар Дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан 4-Жиззах округ сайлов комиссияси (А.Саттаров), 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси (И.Жураев) раисларининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларига:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир таклифномаларни участка сайлов комиссиялари томонидан ҳар бир сайловчига етказилишининг таъминланишини назорат қилиш;

2016 йил 13 октябрда Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглари тўғрисида”ги 755-сон қарорига мувофиқ участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган учинчи босқич семинар-тренинглари самарали ўтказиш;

сайловолди ташвиқоти материаллари 2 декабрь куни соат 20 дан бошлаб 3 декабрь соат 6 гача олиб ташланишини таъминлаш вазифалари юклансин.

Бунда:

сайловолди ташвиқоти материаллари деб сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод учун овоз беришга ундайдиган, яъни

чақирувлар мавжуд бўлган плакатлар, баннерлар, рисоалар, газета мақолалари ва бошқа материаллар тушунилади;

номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастури акс этган ахборот материаллари (А-1 ва А-3 шаклдаги плакатлар) сайлов куни фақат сайлов участкасида қолдирилади.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанкулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 25 ноябрь,
№ 784.*